

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR
PAGES

JOCAA

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 3

MAY | 2023

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-3>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдувоҳидов Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ТУРОБОВА Малоҳат Абдурахим қизи*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Санъатишунослик институти таянч докторанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7939603>*

ЭПОС ВА ЎЗБЕК ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий ўзбек қўғирчоқ театрида халқ эпосининг ўрни, ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти, сахналаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, режиссёрлик изланишлари тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: ўзбек қўғирчоқ театри, эпос, образ, афсона, дoston, драматургия, режиссура.

ЭПОС И УЗБЕКСКИЙ КУКОЛЬНЫЙ ТЕАТР

ТУРОБОВА Малоҳат Абдурахимовна*Академия наук Республики Узбекистан,
Базовый докторант Института искусствоведения*

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о роли народного эпоса в современном узбекском театре кукол, его значении в воспитании подрастающего поколения, особенностях постановки, режиссерских исследованиях.

Ключевые слова: узбекский театр кукол, эпос, образ, миф, былина, драматургия, режиссура.

EPIC AND UZBEK PUPPET THEATER

TUROBOVA Malahat Abdurahim qizi*Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Foundation doctoral student of the Institute of art studies*

ANNOTATION

The article talks about the role of legends and epics in the modern Uzbek puppet theater, their importance in the upbringing of the younger generation, the features of the production, director's research.

Keywords: uzbek puppet theatre, epic, myth, epic, dramaturgy, directing.

“Осиё қўғирчоқ театри бу шунчаки эрмак ўйин эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусикаси, фолклори, тасвирий санъати ва албатта, тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий ҳодисадир” [3].

Театршунос олим Муҳсин Қодировнинг юқоридаги жумлалари ўзбек кўғирчоқ театри халқлар, миллатларнинг тарихи, урф – одатлари, маданияти, санъати, тили, адабиёти ва қахрамонлик эпосларини ўзида акс эттирган ҳолда яшаб келганлигини ифода этади.

Халқ хотирасининг бебаҳо тарихий бир қисми бўлган қахрамонлик эпослари миллатнинг маънавий дунёсини, унинг тарихи, азалий қадриятларини ўзида мукамал акс эттирганлиги, ватанпарварлик ғояларига йўғрилганлиги боис, болалар театрларида тарихий қахрамонликларни тараннум этиш учун ажойиб асосдир. Чунки, халқ эпоси миллатнинг ўзлигини, тил бойлиги ва кўплаб аждодларнинг жасоратларини ўз ичига олади.

Ахлокий, бадиий, илмий, фалсафий, диний сингари кўп томонлама таълим – тарбия беради, миллий анъаналар билан таништиради. Шу боисдан ҳам, халқ қахрамонларининг ватан озодлиги йўлидаги жасоратлари, ўзликни англаувчи қадриятлар ифодаси бўлиб, тезкор суръатларда ўзгариб бораётган давримизда ўта долзарбдир.


Тарихга назар солсак кўғирчоқ ўйинининг келиб чиқишида аждодларимизнинг айрим маросимлари ҳамда антик даврда яшаган халқ актёрларининг ниқоб билан кўрсатиладиган баъзи бир томошалари муҳим рол ўйнаган бўлиб, дастлабки даврларда унинг репертуари афсонавий-эпик сюжетлардан иборат эканлигини гувоҳи бўламиз [2].

Театршунос олим Мамажон Раҳмонов эпос ва театрнинг ўзаро боғлиқ ва ўзига хос тарихий хусусиятлари тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: “Эпосларнинг қадимий ижрочилик услубига театр санъати нуқтаи назаридан ёндашсак, театр санъатига яқин томонлари жуда кўп эканини сезиб оламиз. Чунки эпос ижрочилиги баёнчиликдан образни кўришга ўтиши биланоқ унинг ижроси актёрга айланиб қолади. Негаки унинг тўла равишда театрлашган кўтаринки ва эмоционал услубда ижро этилиши, эпос қахрамонларини талқин этишда образ яратиш воситаларидан фойдаланиш, унинг ижрочилари бир вақтнинг ўзида ҳам бадиий сўз устаси, ҳам куйловчи бўлиб таърифлаётган қахрамоннинг ҳаракатда, ҳолат ва кечинмалар билан ўйнаб кўрсатилиши, эпос ижро этилаётганда томошабин қатнашиши – булар ҳаммаси, театр санъати элементлари шаклланишидаги илгари қўлга киритилган ютуқларнинг такомиллашиб боришига хизмат қиларди. Эпосларда конфликт ва драматик элементларнинг кучлилиги, сюжетнинг пишиқлиги, образларнинг монолитлиги – эпос ижрочилари ўйинига яхши материал берарди” [1].

Олимнинг ушбу мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, афсона ва қахрамонлик дostonлари азал-азалдан халқ томошаларининг асосий манбайи бўлиб келган. Тўмарис, Рустам, Широқ сингари қахрамонлар дастлаб, театрлашган маросимларда ўйналиб, тарихнинг турли босқичларида қайта ишланиб, сайқал топиб, давримизга қадар яшаб келган.

Замонавий ўзбек кўғирчоқ театрида халқ эпосини саҳналаштиришда ўзига хос тажриба тўпланиб, янги бадиий ифода воситалари, ижро этиш усуллари ўзлаштирилди. Бу борада афсонавий образлар, уларнинг поэтик тамойиллари, бадиий ифода воситалари, ижодкор услуби доирсидаги трансформация, қахрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш каби композицион вазифалар муваффақиятли амалга оширилди. Қахрамонлик дostonлари асосидаги спектаклларда ноанаънавий ифода воситаларидан ўринли фойдаланиш, ижро маҳорати, кўғирчоқлар турларини хилма-хиллигига интилиш, ноодатий ечимлар излаш ва бу орқали ахлоқ ва тарбия масалаларига чуқурроқ тўхталиш жараёнлари замонавий ўзбек кўғирчоқ театрида ўзига хос тенденциялар кузатилаётганидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек кўғирчоқ театрида тарих ва замонавийликни уйғунлаштириш орқали халқ қахрамонлари образи ва улар кўрсатган жасоратни гавдалантиришни ноодатий янги шакллари кашф этилмоқда. “Қанотли одамлар” (Н.Тўлахўжаев, Б.Пармонов, Ўзбек миллий кўғирчоқ театри, 1999 й), “Алпомиш” (Ж.Маҳмуд, Ҳ.Ҳақимов, Фарғона вилояти кўғирчоқ театри, 2000 й), “Алпомишнинг болалиги” (И.Содиқов, Г.Йўлдошов, Жиззах вилояти кўғирчоқ театри, 2019), “Алпомиш” (Ж.Маҳмуд, Ш.Юсупов, Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театри, 2020 й), “Тўмарис” (О.Холдор, Б.Жабборов, Андижон вилояти кўғирчоқ театри, 2007 й), “Юрт тумори тўмарис” (Т.Мирзо, Ш.Юсупов, Ўзбек миллий кўғирчоқ театри, 2018 й), “Широқ афсонаси” (Г.Кўлдошова, Ш.Юсупов, Бухоро вилояти кўғирчоқ театри, 2015) сингари турли жанрлар кесимидаги бир қанча саҳна асарлари яратилди.



Ушбу асарларда буюк халқ эпосидаги энг муҳим нуқталар – қахрамоннинг ватанга муҳаббати, садоқати, юрт тинчлиги йўлида кўрсатган жасорати, ўзбек халқининг энгилмас фарзанди эканлиги тараннум этилади. “Қанотли одамлар” (Н.Тўлаҳўжаев, Б.Пармонов), “Алпомиш” (Ж.Маҳмуд, Ҳ.Ҳакимов) сахна асарларида эпосга янги экспериментлар манбайи сифатида ёндашиш, унинг сахнавий характерини ўзига хос

услуглар билан бойитиш иштиёқи сезилиб туради. Мазкур тажрибаларда сўз ва фикр қудратининг иккинчи ўринда туриши, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос тил бойлигини ўрганиш имконини чеклаган. Зеро, халқ эпосини сахна тилига ўгириш, ўтмишнинг турфа саҳифалари ва қахрамонлари, уларнинг турли тақдирларини бугунги томошабин, айниқса, жажжи болажонлар наздида гавадалантириш, асар мақсадига ишонтириш бу шунчаки жўн нарса эмас. Бу борада драматург асар тилини бугунги тил меъёрлари билан мослаштиради, янги ғоялар ва образлар бадиий ифода воситалари билан бойитади. Драматург Гулчеҳрабону Қўлдошова “Широқ афсонаси” сахна асарида айнан мана шу хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратади. Бу борада Алишер Навоий ғазалларидан ўринли фойдаланиш орқали сахна асарини руҳий-психологик қахрамонлик даражасига олиб чиқади. Қолаверса, Сарвиғул сингари янги қахрамонлар кашф этилиб, севги йўлидаги кураш воқеалари ўзаро ватан ва халқ фаровонлиги учун бўлган кураш билан боғланади. Айтиш жоизки, қахрамонлик эпоси асосидаги кейинги тажрибаларда ватанпарварлик ғояларини тасир даражасини ошириш мақсадида ишқий муносабатларга алоҳида урғу берилди. Ватанга бўлган муҳаббатни ёрга ва оилага бўлган муносабат замирида очиб бериш, қўғирчоқ театрларида ҳам инсоний севгини баралла куйлаш имконияти мавжуд эканлигига эътибор қаратилди. Қолаверса, бу муҳаббат киссалари драматик қонуниятга хос бўлиб, спектаклларнинг бахтли якунини таъминлайди.

Драматург Тўра Мирзониинг “Юрт тумори Тўмарис” драмасида халқ эпосининг асл моҳиятини сақлаб қолишга алоҳида аҳамият қаратилган. Ривоят, тавсиф ва диологларнинг уйғунлашган ҳолда келиши пьесанинги бадиийлигини ошириш, персонажлар табиатини бўрттириш, воқеалар занжирини мантиқли боғланишида хизмат қилган. “Юрт тумори Тўмарис” драмаси замирида она ватанга садоқат, озодлик йўлида мардоналарча курашиш ва муҳаббатга вафо сингари ғоялар сингиб ётади. Бу ўз навбатида фарзандларимиз, айниқса униб ўсиб келаётган нав-ниҳол қизларимиз наздида мардонавор ва садоқатли аёл тимсоли сифатида гавадланади.

Бу тажрибалар нафақат қўғирчоқ театри драматургияси, балки, режиссурада ҳам ўзига хос сахнавий ечимларни кашф этилишига сабаб бўлди.



Бу борада режиссёрлар афсона ва дostonлар ҳамда замонавий кўғирчоқ театрини ўзига хос хусусиятларини уйғунлаштириш орқали халқ эпосини сахнада ижро этишни янги шаклларини кашф этди. Замонавий театр имкониятларидан ўринли фойдаланиш спектакллар динамикасини ошириб болаларнинг ўзига хос оламига яқинлаштиришга хизмат қилади. Хусусан, жанг сахналари, махсус ёритиш ечими, мусиқа ва хатти-ҳаракатлар, қахрамонларнинг шарқона либослари буларнинг ҳаммаси эпик жараёни гавдалантиради.

Ш.Юсупов, Б.Пармонов, С.Седуҳин, Ғ.Ҳамроев каби бир қанча режиссёрлар кўғирчоқ театрининг экспрессив имкониятларидан унумли фойдаланиб, афсона ва дostonлар асосидаги спектаклларда символизмга катта эътибор қаратиб, фожеали сахналарни бола руҳиятига мослаштириш, асар моҳияти ва қахрамонлар характерини очиб беришда янги хусусиятлар ва образлар киритиш, қадимги тилни замонавий тил меъёрлари билан уйғунлаштириш орқали муваффақиятга эришди. Ноодатий сахнавий макон, ижрочилик усуллари, рамзийлик, янги кўғирчоқларни кашф этилиши режиссёрлик топилмаларининг ўзига хослигини ифода этади. Мистик элементлардан фойдаланилган ҳолда реалистик, психологик нуқтаи назардан сахналаштиришга эътибор қаратилди. Тарихий усулларда рамзийликка алоҳида урғу берилиб, сахнавий макон ва образлар орқали улкан ғоялар ифодаланади. Ушбу тажрибалар кўғирчоқ-қахрамонлар ёрдамида ижтимоий, сиёсий ва хатто фалсафий мавзуларни ёритиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Эътиборлиси шундаки, мазкур сахна асарлари катта ва кичик томошабинни бир ғоя ва мавзу атрофида жамлай олади.

Режиссёрлар афсонавий шахслар тимсолини гавдалантиришда тарихий қахрамонгина эмас балки, замондош образи сифатида талкин қилади. Алпомиш, Барчиной, Широқ, Сарвиғул, Тўмарис, Бектегин сингари образлар олижаноб, энг гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, маънавий баркамол кишилар сифатида гавдаланади. Бу ҳолат кўғирчоқ-қахрамонларнинг юз қиёфалари, хатти-ҳаракатлари, психо-эмоционал ҳолатлари, овоз интонацияларида акс этади. Қолаверса, образларни теъранроқ очиш, гўзал муҳаббатни рангин бўёқларда тасвирлаш мақсадида шеърий парчалардан, куй ва оҳанлардан унумли фойдаланади. Танланган шеърларнинг ўринли ва асар мавзусига хослиги, ўзбек адабиётининг энг дурдона наъмуналарига мурожаат этилиши сахна асарларнинг олий мақсади – ёш авлодни маънавиятли ва маданиятли қилиб тарбиялаш ғояси билан йўғрилган эканлигини ифода этади. Бинобарин, бу спектакллар бугунги замонавий болалар драматургиясида мумтоз наъмуналардан унумли фойдалангани билан ҳам ўз қийматиغا эгадир.

Халқ эпоси устидаги тажрибаларда сахнавий безакларни рамзий маънода қўллаш орқали бадиий образ яратишда символизмга алоҳида аҳамият қаратилинаётганлиги мазкур тоифадаги спектаклларнинг бадиий қийматини оширади. Алалхусус, “Алпомиш”



спектаклидаги уй яъни оилавий қабиланинг рамзи икки ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг ўртасидаги жанжалдан сўнг кулаб туша бошлайди. Вайрон бўлган уйнинг тасвири ватан қулаши, икки оға-инининг ўртасидаги буюк риштани узилаётганининг тасвирлайди. Томошабин кўз ўнгида адоват ва нафрат тинч осойишта дўстлик ва қардошлик ришталарини бузилишига сабаб бўлаётганига ишора этилади. Бу борада режиссёр ва рассом ўзаро ҳамкорликда миллий матолардан унумли фойдаланади. Бойсарининг

Қалмоқ элига отланишида узун сўкмоқли йўллари ифода этувчи ушбу матолар кейинги ўринда уни ўзга элни макон этганини ифода этади.

“Юрт тумори Тўмарис” спектаклида эса ҳар бир синтезлашган сахнавий ечимда символизмнинг ёрқин бўёқларда ифодаланиши кўзга ташланади. Асар марказидаги конфликт, қарама-қарши кучлар, аросат ўртасидаги кураш, бегуноҳ азаматларнинг тўкилган қони ва уларнинг хотирасига ишора этилувчи рамзийликда (рассом М.Рўзиметова) Тўмариснинг муштипар она, вафодор ёр, адолатли юрт боши сифатидаги қалб туғёнлари ўз ифодасини топади. Ўша бегуноҳ тўкилган қон рамзини эслатувчи қизил лолалар, оппоқ қор ва ҳалок бўлган азаматларнинг хотирасига бағишланган оқ лолалар буларнинг барчаси афсонадаги фожеаларни рамзий ифодалар орқали бола руҳиятига мослаштиришдаги ўзига хос усулларни ифода этади. Шу билан бирга спектаклда янги актёр пластикасига мослашган инсон бўйи баробар келувчи катта планшет кўғирчоқларини кашф этилиши афсонавий образлар тимсолини ва уларнинг жасоратини янада теъранроқ очиш иштиёқи мавжудлигини кўрсатади. Барча компонентлар – драматургия, режиссура, сценография, мусиқа ва актёрлар ижросининг уйғунлиги спектаклни муваффақиятини белгилаган.

Бундай тажрибалар афсона ва дostonлар асосидаги сахна асарларида амалга



оширилаётгани халқ эпосини ўзлаштиришдаги тажрибаларни ўсиб бораётганлигидан далolatдир.

Қувонарлиси шундаки, ушбу тажрибалар кўғирчоқ театрларида ўзига хос ижодий жараён кечаётганлиги, янгиликка интилаётганлигидан гувоҳлик беради. Айниқса, кўғирчоқ театри режиссурасида турли мавзу ва ғоядаги асарларни сахналаштиришда ўзига хос шакл ва усулларни ўзлаштирилаётганлиги эътиборли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган тажрибалар шуни кўрсатадики, халқ эпоси ва аждодларимиз қолдирган маънавий мероси замонавий

театрнинг янги миллий шаклини топиш йўлида муҳим воситага айланиб бормoқда. Бу йўналишдаги спектакллар ўзбек театр маданиятининг ўзига хос қиёфасини кўрсатиш ва баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида сахналаштирилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Эътиборлиси шундаки, ушбу спектакллар буюк тарихимиз ва халқ фаровонлиги, ватан равнақи йўлида жасорат кўрсатган кўплаб буюк қаҳрамонларимиз хақида ҳикоя қилиб, фарзандларимиз қалбида уларга нисбатан ифтихор туйғуларини шакллантиришда хизмат қилади. Бугун жадал суръатлар билан одимлаб бораётган ҳаёт сарчашмаларидан баҳра олаётган ёш томошабинларимиз маънан баркамол, ақлли, эркин фикрлайдиган, яратувчанлик қобилиятига эга, фаол, шижоатли, сахна қаҳрамонларини сахнада кўриши лозим [8].

Зеро, тарих бу – ойна, унга қараган киши ўзини томирларида оқаётган қонни, аждодлари қудратини кўради ва уларга муносиб фарзанд бўлиш масъулиятини ҳис қилади. Қолаверса халқ хотирасининг бебаҳо мероси кўғирчоқ театри репертуарларидан янада ҳам муносиб ўрин эгаллаши, “Гўрўғли”, “Равшан”, “Рустамхон” сингари ишқий-саргузашт дostonларига ҳам мурожаат этиш лозимлиги давр талабидир.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. М.Рахмонов. Ўзбек театр тарихи. (Қадимги замонлардан XVIII асрга қадар), Т.: Фан, 1975.
2. М.Қодиров. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.: Ўқитувчи, 1981.
3. М.Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. Т.: Фан, 1993.
4. М.Қодиров, С.Қодирова. Қўғирчоқ театри тарихи. – Т.: Талқин, 2006.
5. М.Қодиров. Анъанавий театр драматургияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
6. Ш.Ҳайитбоев. Қўғирчоқ театри режиссураси. – Т.: А.Қодирий.
7. Т.Юлдашов, Ҳ.Икромов, И.Мухторов, М.Мухторова. театр ва ёш авлод. – Т.: 2012.
8. М.Ашуурова. Мехрдан яралган олам. – Т.: Замон полиграф, 2018.
9. Ш.Юсупов. “Ўзбек қўғирчоқ театрларида профессионал режиссура масаласи: муаммо ва ечимлар”. “Театр”, 2020/3.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-3

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz